



**Жамоатчилик  
кенгаши:**

Сирожиддин САЙИИД  
 Отабек ҲАСАНОВ  
 Иброҳим ҒАФУРОВ  
 Эркин АЪЗАМ  
 Хуршид ДЎСТМУҲАММАД  
 Шухрат РИЗАЕВ  
 Минҳожиддин МИРЗО  
 Қозоқбой ЙЎЛДОШ  
 Баҳодир КАРИМОВ  
 Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
 Олимжон ДАВЛАТОВ  
 Муҳиддин ОМОН

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
 ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
 УЮШМАСИ

Журнал  
 1997 йил июндан  
 чиқа бошлаган

**Бош муҳаррир:**

Аҳмаджон  
 МЕЛИБОЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Муҳиддин РАҲИМ  
 Назира ЖЎРАЕВА  
 Алимурод ТОЖИЕВ  
 (Бош муҳаррир  
 ўринбосари)  
 Алишер ОТАБОЕВ  
 Даврон РАЖАБ  
 Мафтуна  
 МУҲАММАДАМИНОВА  
 Севара АЛИЖОНОВА

## МУНДАРИЖА

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

**Илѐсжон Исмоилов.** Алишер Навоийнинг салафлар ижодига муносабати ..... 3

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

**Жаҳон шеъриятдан гулдаста**

(*Муҳаммад Али таржималари*) ..... 12

### НАСР

**Отажон Тоғон.** Уруш қачон тугайди? Ҳикоя.

(*Туркман тилидан Раҳмат Бобожон таржимаси*) ..... 22

**Айн Рэнд.** Мадҳия. Қисса.

(*Инглиз тилидан Моҳина Нурсаидова таржимаси*) ..... 96

**Рик Ҳансен, Жим Тейлор.** Ҳаракатдаги инсон. Роман.

(*Рус тилидан Абдумажид Азим таржимаси*) ..... 116

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА

**Ошо.** Комиллик сарҳадлари

(*Рус тилидан Олимжон Салимов таржимаси*) ..... 40

**Можор адиби – адабиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори**

(*Инглиз тилидан Рухсора Имомова таржимаси*) ..... 179

**Минҳожиддин Мирзо** “Сўйласин минг йиллик мўйсафид тарих...” ..... 184

### АСР ҲИКОЯЛАРИ

**Иво Андрич.** Елена, ғойибдаги аёл

(*Рус тилидан Рисолат Ҳайдарова таржимаси*) ..... 76

### ЖАРАЁН

**Забаржад Бобожонова.** Талқин санъати – тафаккур безаги ..... 196

**Сувон Мели.** Алматида халқаро адабий форум ..... 203

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ САЛАФЛАР ИЖОДИГА МУНОСАБАТИ

Алишер Навоийнинг хамсанавислик анъанасига киритган муҳим янгиликларидан бири ўзигача ўтган ва замондош устоз хамсанавислар ёди учун алоҳида фасллар ажратиши бўлди. Нима учун салафлар ёдига бағишланган бундай боблар айнан Навоий “Хамса”сида пайдо бўлди? Шоир бу бобларни ўз асарига нима мақсадда мунтазам равишда киритиб борди? Дастлабки саволга икки хил жавоб бериш мумкин. *Биринчидан*, Алишер Навоийнинг ижодкор сифатидаги хос фазилатларидан бири устозу салафларга юксак эҳтиром ва ихлос кўрсатишдир. Навоий бутун ижодига устозларига нисбатан қатъий ҳурмат позициясида туради ва буни кўплаб асарларида бот-бот ифодалайди. Навоий ўз “Хамса”сига улуғ устозлар олдидаги масъулиятни, уларнинг эътирофи-ю ҳурмати, холис ихлосни муносиб изҳор этиш мақсадида шундай бобларни киритган. *Иккинчидан*, хамсанавислик Алишер Навоий даврига келиб тўлиқ анъана тусини олган, ушбу анъананинг эътироф қозонган намояндалари Низомий ва Хусрав эди. Айни мана шу ҳолат, яъни Навоий даврига келиб хамсанавислик анъанасининг муайян тарихга эга бўлиб улгуриши Навоий “Хамса”сида *салафлар ёдига* бағишланган бобларнинг пайдо бўлишига замин яратган. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдурахмон Жомий хамсаларида бундай анъанавий бобларнинг учрамаслиги ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди. Иккинчи саволга мухтасар жавоб шуки, Навоий Низомий ва Хусравнинг издоши ўлароқ, улар томонидан асос солинган анъанага эргашиб, рақобат қилиш мақсадида туркий тилда биринчи “Хамса”ни яратишга аҳд қилган эди. Бинобарин, мазкур анъана тарихи ва унинг асосчилари ҳақида туркий китобхонга тасаввур бериш эҳтиёжи пайдо бўлган эди.

Таъкидлаш керакки, хамсанавис салафлар ёдига бағишланган боблар Алишер Навоий “Хамса”сини англашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу боблар фақат мадҳ ёки ҳурмат ифодаси бўлмай, уларда Алишер Навоийдек улкан истеъдоднинг адабий-эстетик қарашлари, салафлар ижодига баҳоси, хамсанавислик анъанасига муносабати ҳамда муайян ижодкор асарларини чуқур англаш натижасида юзага келган қимматли хулосалари акс этади. Шу маънода ушбу боблар Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашларини ўрганишда

муҳим манба ҳисобланади. Масаланинг бу жиҳати, айниқса, Алишер Навоий “Ҳамса”сининг илк достони бўлган “Ҳайрат ул-аброр”даги салафлар ёдига бағишланган бобларда ёрқин намоён бўлади.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг XII ва XIII бобларида салаф ҳамсанавислар – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий шахси ва ижоди таърифи келтирилган. XII боб ёднома характериға эға бўлгани боис Низомий ҳақидаги мулоҳазалар эътироф йўсинида ифода этилган. Низомий мадҳиға бағишланган ўринларни кузатиш шунни кўрсатадики, уларда, асосан, Низомийнинг **мадҳи, шахсияти, “Ҳамса”си, бадий маҳорати** ҳақида сўз боради. Ушбу тўрт масала Навоийни кўпроқ қизиқтирган, аксар фикрлар мазкур масалалар доирасида баён қилинган.

Алишер Навоий Низомийни мадҳ этар экан, мутлақо эътироф позициясида туради, уни ижобий қиёфада тасвирлайди:

*Хайли фасоҳат бошининг афсари,  
Ганжи яқин афсарининг гавҳари<sup>1</sup>.*

Яъни, Низомий – фасоҳат (очиқ ва равон сўзлаш иқтидори) соҳиблари бошидаги тож, бугина эмас “яқин хазинаси”даги<sup>2</sup> тожнинг гавҳаридир.

Навоий байтнинг дастлабки мисрасида Низомийни фасоҳат эгалари (шоирлар) бошининг тожи дея мадҳ этар экан, бу билан Низомийни шоирлар шоҳи сифатида эътироф этишни кўзда тутуди. Бу – Навоийнинг ҳам эътирофини, ҳам баҳосини кўрсатади. Иккинчи мисрада эса аввалги фикрини янада ривожлантириб, нафақат фасоҳат эгаларининг, балки ҳақиқат сирларидан, моҳиятдан бохабарлар бошидаги тожни безаб турувчи гавҳар дейди. Яъни бу мисрада Навоийнинг Низомийни ҳақиқат, маърифатни куйлаган ижодкорлардан деб билиши акс этган. Дарҳақиқат, Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Низомийни шайхлар, авлиёлар қаторида зикр этади ва уни Ҳақ маърифатини куйлаган ижодкор сифатида баҳолайди<sup>3</sup>. Бу каби мадҳлар айни пайтда Низомий шахсининг юксак мақомға эға бўлганлигини ҳам тасдиқлайди.

Навоий шахсият ва ижоднинг узвий алоқадорлигидан келиб чиқиб Низомий шахсияти борасида ҳам муҳим маълумотлар беради. Унга кўра, Низомий “кони фазилат гуҳариға амин”, яъни фазилатлар соҳиби ва уларни муносиб даражада сақловчи шахс бўлган. Унинг ватани Ганжа бўлган:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 том. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 48.

<sup>2</sup> Ganji yaqin yoxud yaqinlik hazinasi – shubhasiz ishonch, tom iymon va haqiqatdan bahramandlik maqomi.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 469 – 471.

*Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,  
Хотири ганжуру тили ганжрез<sup>1</sup>.*

Яъни ватани Ганжа, кўнгли эса ганжина (хазина) бўлиб, ақли ганжур (хазинабон), тили эса ганжрез (хазина тўқувчи)дир.

Навоий бу ўринда сўз ва маъно хазинасини назарда тутгани кундек равшан. Эътиборли томони шундаки, Навоий Низомий таърифида **ганж** ва **низом** сўзлари воситасида иштиқоқ санъатининг гўзал намунасини яратади. Аксар тасвирларини мана шу икки сўз билан бевосита боғлайди, шулар асосида қарашларини тасвирлайди. Масалан, шоирга “Низомий” деб исм қўйилиши ҳам мазкур йўсинда бадиий шарҳланади:

*Нозим ўлуб сўз дури серобиға,  
Чарх “Низомий” ёзиб алқобиға<sup>2</sup>.*

Яъни, Низомий ярқироқ сўз дурларини назм ипига тергани учун фалак унинг исмини “Низомий” (назм қилувчи, тартибга солувчи) деб қўйди.

Навоий шоирнинг исми борасида поэтик мантиқ яратишда давом этади. У энди ўз услубига мувофиқ “Низомий” сўзининг арабий ифодасига таяниб янги поэтик маънолар яратишга ўтади. Ушбу янги поэтик талқин Низомий ижодига Навоий томонидан берилган оламшумул баҳони акс эттириши билан ҳам аҳамиятлидир. “Ҳайрат ул-аброр”да шундай ёзилади:

*Отики беш ҳарф қилурлар хитоб,  
Минг бир эрур айласанг они ҳисоб.  
Ушбу адад бирла оти гавҳари,  
Ҳақнинг ўлуб минг бир оти мазҳари.  
Мазҳар этиб чун алифин исми зот,  
Ўзга адад ҳарфини исми сифот.*

Навоий “Низомий” (نظامی) тахаллусининг арабча ёзилишига ишора қилиб, ундаги беш ҳарфнинг абжад ҳисобидаги миқдорига эътибор қаратади: (ن) – 50, (ظ) – 900, (ل) – 1, (م) – 40, (س) – 10. Буларнинг жами – 1001. Навоий Низомийнинг гавҳардек оти (исми) ушбу адад билан Ҳақнинг 1001 исмига мазҳар бўлди дейди. “Исми зот” (Аллоҳ) шайх Низомийнинг муборак исмидаги “алиф”ни ўзига мазҳар этган бўлса, қолган ҳарфларини “исми сифот” – Ҳақнинг сифатлари ўзига мазҳар этган. Тажаллий назариясига кўра, мазҳар илоҳий нур ёки Ҳақ жамолининг жилваси аксланадиган объект бўлиб, Ҳақ ошиқлари уни кўриб ёки у орқали Ҳақни мушоҳада этишади, яъни у орқали

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 том. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 49. Izoh: “Hayrat ul-abror”dan olingan keyingi iqtiboslar ham ushbu nashrdan olindi.

<sup>2</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 49.



илоҳий ҳақиқатларни идрок қилишади. Модомики, шоирнинг “Низомий” исмидаги беш ҳарф Аллоҳнинг зоти-ю сифотиға мазҳар экан, ушбу муборак исмининг соҳиби ва у томонидан яратилган асарлар ҳам ана шундай табиатға эға деб тушуниш мумкин. Аллоҳнинг 1001 исми борлиқнинг моҳиятиға оид қонуният-у ҳодисалар, сир-синаот тажассуми бўлганидек, Низомийнинг ижодида ҳам бутун борлиқнинг сир-синаоти, воқеа-ҳодисаларига оид хулосалар, ечимлар ўз ифодасини топган. Низомий ижодида илоҳий ҳақиқатлар, маърифат куйланган, унда инсониятға яшаш учун дастуруламал мужассам, демоқчи бўлади Навоий. Албатта, Навоийнинг “Низомий” таҳаллуси ва ундаги беш ҳарф асосида бундай янги бадий тасвир яратгани ва шу орқали Низомий ижодининг оламшумул аҳамиятини кўрсатиб бергани улкан маҳорат ва хулосалар самарасидир.

Навоий бу бобда Низомий ижодини ҳам баҳолайди. Бир ўринда шоирни *“Баҳри балоғат аро дурри самин”* дейди. Бу Навоий Низомийни бадий маҳорат бобида нодир истеъдод соҳиби деб билганини англатади. Бошқа бир ўринда эса Низомийнинг сўзлари билан ер юзи тўлган, бугина эмас, фалакнинг дуржлари – қутилари ҳам лиммо-лим, у сўз юзига оройиш берганидан сўнг бошқаларнинг бу ишни қилишиға ҳожат қолмади, яъни у бошқа ижодкорлар учун янги сўз айтишни мушкул ишға айлантирди дейди.

Навоий Низомий “Хамса”сига алоҳида муносабат билдиради ва уни юксак баҳолайди:

*Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,  
“Хамса” дема, балки дегил панж ганж<sup>1</sup>.*

Яъни (Низомийнинг) тафаккур тарозиси “Хамса”ни ўлчай олди, уни “Хамса” дема, балки беш хазина дегин.

Навоий шу тарзда Низомий “Хамса” ёзганини айтар экан, ушбу “Хамса”нинг нақадар буюк, мазмунан теран эканлигини ундан кейинги байтларда ифодалайди. Унга кўра, Низомий “Хамса”си шу қадар улкан ва вазминки, ақл хазиначиси фалакларни тарози паллалари ўрниға қўйиб, ер шарини ботмон тош ўрниға ишлатиб юз аср тортса ҳам, бу “Хамса”нинг кўпдан озини ўлчай олмайди. Бу – Низомий ижодига, хусусан, “Хамса”сига берилган жуда юксак баҳо. Бу баҳонинг Навоийдек ижодкор томонидан берилиши эса, муболағани инобатға олмаганда ҳам, Низомий “Хамса”си ҳақида тўлақонли тасаввур бера олади.

Навоий шу тариқа турли ташбеҳлар воситасида Низомий *султон ул-шуар, ҳақиқат аҳли, фазилат соҳиби* ва *моҳир ижодкор* эканини бадий тасвирлаб боради ва ўзидан кейин улкан бир анъанаға асос солганини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 49.

Навоий шу ўринда Низомий таърифидан сўнг Хусрав Деҳлавий ёди ва “Хамса”сига муносабат билдиришга ўтади. Навоий Хусрав Деҳлавий шахси ва ижоди ҳақида ҳам қизиқ тасаввурларини бадиий тасвирлайди. Навоийнинг бу шоир ҳақидаги муҳим хулосаларидан бири шуки, Хусрав бадиий ижод бобида жуда тезкор ва ўз ишининг моҳир устаси бўлган (ҳиндуйи чобуксувор). Унинг дostonлари ҳам салмоқли бўлиб, худди Ҳиндистоннинг бир кишвари (вилояти)га ўхшайди. Хусравнинг ижоди оташин, ёзганлари ишқ ўти билан йўғрилган бўлиб, борган жойида ғавғо кўтаради:

*Қай сари ўтдек юз уруб тунду тез,  
Солибон ул кишвар аро рустахез<sup>1</sup>.*

Ишқ ўти – Хусрав жонининг оташгоҳи, ғам денгизи эса унинг тинмай оқувчи кўз ёшидир.

Гарчи исми Хусрав бўлса ҳам, мамлакат обод этувчи ҳоким бўлса ҳам (ройи ҳинд), унинг қисматига фарҳодлик ҳам ёзилган:

*Ранж тоғин қозмоқ анинг пешаси,  
Тоғи анинг назму тили тешаси<sup>2</sup>.*

Яъни Хусравнинг иши ранж тоғини қазиш, назм – у қазийдиган тоғ бўлса, тил – бу ишда у учун тешадир.

Навоий бундай тасвирлар орқали Хусрав ўз ижодида ҳақиқат, илоҳий ишқ ўтида куйиб, шу жараёнда англаган ва ҳис этганларини бадиий ифодалади, бу борада тезкорлик, маҳорат кўрсатди, ижодига ҳақиқий ишқ тафтини, моҳиятини сингдирди деган хулосаларини билдиради.

Шундан сўнг Низомий ва Хусрав ижоди, хусусан, “Хамса”ларини ўзаро муқояса қилади:

*Ганжа шаҳи ганжфшон, пайрав ул,  
Шаҳ бу сўз иқлими аро, Хусрав ул<sup>3</sup>.*

Яъни Низомий сўз хазинасини сочувчи бўлса, Хусрав ҳам шу ишни такрорловчи, агар Низомий сўз иқлимида шоҳ бўлса, Деҳлавий ҳам Хусрав (шоҳ)дир.

Навоий муқояса асносида Низомий ва Хусрав ижодини деярли тенг қўяди. Низомий бадиий ижод бобида эришган даражаларга Хусрав ҳам издошлик йўли билан эришган деб билади.

Навоий хамсанавислик анъанасини назарда тутиб айтадики, кўплаб ижодкорлар Низомий ва Хусравга жавоб ёзишга – татаббуъ

<sup>1</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 50.

<sup>2</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 50.

<sup>3</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 50.

қилишга ҳавасманд эди, аммо сарв ва гулнинг олдига хас келтиришди. Ушбу образли тасвирдаги сарв – Низомийни, гул – Хусравни, хас – уларнинг “Хамса”ларига жавоб ёзишни ҳавас қилганларнинг асарларини билдиради.

Навоий мана шу икки байт билан хамсанавислик анъанасининг XV асргача бўлган ривожини баҳолайди. Бу байтларда Навоийнинг бир неча муҳим қарашлари ўз ифодасини топган дейиш мумкин. Биринчидан, Низомий “Хамса”си хамсанавислик анъанасининг “сарви” – энг етук намунаси. Иккинчидан, Хусрав “Хамса”си бу анъананинг “гули” – гўзал намунаси. Учунчидан, мазкур ташбиҳлар мантиқан Хусравнинг бешлиги Низомий бешлигидан табиатига кўра фарқланишига далолат қилади, чунки бўстонда сарвнинг ўрни бошқа, гулники бошқа. Нима бўлганда ҳам, Низомий ва Хусрав хамсалари бу анъананинг сарв-у гули ҳисобланади. Улар бу борада етук – мезон ҳисобланади. Тўртинчидан, Низомий ва Хусравдан кейин ҳам уларга ҳавас қилиб кўпчилик хамса яратишга ҳаракат қилишган, аммо улар муваффақиятли чиқмаган ёхуд Низомий ва Хусрав хамсалари даражасига етмаган. Навоий шу боис уларни умумий қилиб “хас” деб атайди. Бўстонда сарв-у гулга нисбатан хаснинг ўрни маълум – жуда қуйида. Бешинчидан, фақат бир киши – Абдурахмон Жомий салафларга муносиб жавоб айта олиш иқтидорига эга бўлган ва хамсанавислик анъанасини муносиб давом эттирган.

Навоий шундан сўнг Абдурахмон Жомий васфига (XIII боб) ўтади. Бу бобда бир неча муҳим масалалар тарихи, жумладан, Навоий “Хамса”сининг яратилишига сабаб бўлган воқеалар тасвирланади.

Навоий, аввало, Жомийнинг юксак мақом соҳиби эканлигини қайд этади:

*Улки букун қутби тариқатдур ул,  
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул<sup>1</sup>.*

Абдурахмон Жомий – бугун тариқат қутби ва ҳақиқат сирларини кашф этган кишидир.

Навоий Жомий асарларининг маъносини оби ҳаётга ўхшатади ва ундан ким камёб – баҳраманд бўлса, абадият касб этишини айтади. Унинг назм ва насрда ижод қилгани, назми дунё иқлимларини тутган бўлса, насри жон иқлимини эгаллаганини таъкидлайди.

Навоий ўзаро муносабатларига ҳам тўхталади ва Жомийнинг файзи шоху гадога бирдек етиб туриши, аммо ожизлиги ва эҳтиёжи туфайли ўзи бу борада имтиёзга эга эканлигини билдиради. Бу фикрини асослаш учун ўзаро яқинликларини кўрсатувчи ҳолатларни тасвирлайди:

<sup>1</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 52.

*Номағаким роқим этиб хомасин,  
Кўрмади мен кўрмайн эл номасин<sup>1</sup>.*

Яъни, агар Жомий бирор бир асар ёзгудек бўлса, уни мендан олдин бирор киши кўрмас эди.

Навоий шундан сўнг Жомий билан алоқадор бўлган яна бир воқеа – ўз “Хамса”сининг яратилиш тарихи хусусида сўзлаб беради. Унга кўра, бир куни Жомий ва Навоий иштирок этган мажлисда хамсанавислик анъанаси, хусусан, хамсатайн – Низомий ва Хусрав “Хамса”лари тўғрисида сўз кетади. Навоий бу мажлисда хамсанавислик анъанасига оид муҳим фикрлар билдирилганини эсга олади. Мазкур икки ижодкорнинг дostonлари – “Махзан ул-асрор” ва “Матла ул-анвор” бошқаларниқидан жиддий фарқ қилиши, уларда “ўзга ҳол” борлиги айтилади:

*Ўзга санамлар ҳам эрур жилвасоз,  
Борчасининг хуснида зеби мажоз<sup>2</sup>.*

Бу ўринда “ўзга санамлар” – хамса яратишга уриниш натижасида юзага келган асарларни билдиради. Яъни бу анъана доирасида муайян асарлар юзага келган, аммо барчасининг мазмун-моҳиятини мажоз – дунёвий масалалар, уларнинг зеби ҳақидаги гап-сўзлар ташкил этади. Улар, асосан, дунёвий мазмунга эга бўлгани айтилади.

“Махзан ул-асрор” ва “Матла ул-анвор” дostonлари эса айти шу жиҳатдан принципиал фарқларга эга бўлгани таъкидланади:

*Ул иккисидин бири гавҳарфишон,  
Гавҳарида нури яқиндин нишон.  
Ул бириси доғи бўлуб нурпош,  
Нури аро партави таҳқиқ фош<sup>3</sup>.*

Яъни, “Махзан ул-асрор” – гавҳарлар билан тўла ва гавҳар сочувчи бўлиб, унинг гавҳари (маъноси)да нури яқин – ҳақиқатни таниш, англаш нуридан нишонлар бор. “Матла ул-анвор” ҳам нур сочувчи бўлиб, унинг нури аро ҳақиқат шуъласи мужассам.

Эътиборлиси шундаки, мажлис аҳли Низомий ва Хусрав дostonларини бошқа шу турдаги ўнлаб дostonларга нисбатан устун қўйишда айнан илоҳий ҳақиқатлар – илоҳий муҳаббат ифодасини мезон қилиб олишади. Бошқа дostonларни танқид қилганда эса “зеби мажоз” куйланганини асос қилиб олишади. Бу ўринда мақтов ва танқидга асос қилиб олинган асослар – мажоз ва ҳақиқат ифодаси бир-бирини тўлдиради, айти пайтда, принципиал тафовутни юзага чиқаради. Навоийнинг қайд этишича, “Махзан ул-асрор” ва “Матла ул-анвор” да

<sup>1</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 53.

<sup>2</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 54.

<sup>3</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 54.

бошқа шу туркумдаги дoстoнларда бӛлмаган афзал жиҳат – “ҳақиқат ўтидан чош”ни мавжуд:

*Нукта сув янглиғ эритур тошни,  
Тoпса ҳақиқат ўтидин чошни.  
Бӛлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,  
Ришта сӛзин сӛзламаган яхшироқ<sup>1</sup>.*

Агар сӛзнинг маъносида ҳақиқат ўтидан асар бӛлса, у сув каби тошни ҳам тешади. Борди-ю сӛзда ҳақиқий маънолар ифода этилма-са, бундай сӛзни сӛзламаган яхшироқ.

Қисқаси, ўша мажлисда мана шундай гап-сӛз бӛлиб ўтади. Орадан бир-икки ой ўтгач, Навоий Жомий зиёратига боради, шунда Жомий бир қораламани Навоийга узатиб, буни бошдан-охир ўқиб чиқишни сӛрайди. Бу – Жомийнинг “Махзан ул-асрор” ва “Матла ул-анвор”га татаббу қилиб яратган “Тухфат ул-аҳрор” дoстoни қораламаси эди:

*Боштин-аёқ гавҳари шаҳвор эди,  
Қайси гуҳар, “Тухфатул-аҳрор” эди<sup>2</sup>.*

Навоий шундан сӛнг мазкур уч дoстoнни муқояса қилиб муҳим хулосаларини билдиради. “Тухфат ул-аҳрор”ни аввалги икки дoстoн-га нисбатан фойдалироқ деб баҳолайди, шунингдек, Жомий дoстoн-нида уларда бӛлмаган янги-янги маънолар борлигини таъкидлайди:

*Ул икيني топса бӛлур мунда-ўқ,  
Мунда туҳаф кӛпки, ул иккида йўқ<sup>3</sup>.*

Хуллас, “Тухфат ул-аҳрор”ни ўқиганча Навоийнинг кӛнглига шундай асар яратиш “ҳаваси дағдаға солади”. Хамсанависликни йӛлга ўхшатиб, улар юрган йӛлдан юриб кӛриш истагини билдиради. Бироқ улардан фарқли равишда туркий тилда дoстoн (“Ҳайрат ул-аброр”) яратиш хоҳиши пайдо бӛлади:

*Форси ўлди чу аларға адо,  
Турки ила қилсам ани ибтидо.  
Форси эл топти чу хурсандлиқ,  
Турк доғи топса барумандлиқ<sup>4</sup>.*

Эътиборли томони шундаки, Навоийнинг хамсанависликка қӛл уришдан кӛзлаган мақсади – туркий халқларнинг шундай юксак адабий-эстетик анъанадан, чуқур мазмунли асарлардан баҳраманд қилиш эди. Бу – улуғ шоир ижодининг, хусусан, “Хамса”сининг авва-

<sup>1</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 54.

<sup>2</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 55.

<sup>3</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 55.

<sup>4</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 55.

ло туркий эл манфаатлари, саодати учун восита ўлароқ яратилганининг яққол далилидир.

Навоий шу тариқа “Ҳайрат ул-аброр”, аниқроғи, ўз “Хамса”сининг яратилиш тарихи, бу жараённинг бошланишига туртки бўлган воқеани ҳикоя қилади. Бошлаган ишлари хайрли якун топиши учун салафлари, устозлари мададига муҳтож эканлигини айтади. Салафларига муносиб издош бўлиш шавқи билан “Хамса” яратишга киришганини хотирлайди. Аввалги бобдаги ташбиҳларини янада ривожлантиради:

*Бўлса ўт-у сув-у ҳаво дилпазир,  
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир.  
Сарв-у гул-у лола харидори бор,  
Лек ўтуннинг доғи бозори бор<sup>1</sup>.*

Дастлабки байтдаги ўт, сув ва ҳаво мос равишда Низомий, Хусрав ва Жомий ижодини, тупроқ эса Навоий ижодини билдиради. Кейинги байтдаги сарв, гул ва лола мос равишда “Махзан ул-асрор”, “Матла ул-анвор” ва “Тухфат ул-аҳрор”ни, ўтин эса “Ҳайрат ул-аброр”ни англатади. Албатта, Навоий бунда ўзини ҳақир санаб, устозларига ҳурмат изҳор этган. Камтарлик кўрсатган. Бу ўринда тўрт дoston ўхшатиш нарсалар (сарв, гул, лола ва ўтин) ўртасидаги фарққа қараб, бу дostonларни фарқлаш жоиз эмас. Чунки юқорида кўрдикки, Навоий Жомий дostonини Низомий ва Хусрав дostonларидан устун деб билган, лекин бу ўринда Жомий дostonи “лола”га ўхшатиш, холос. Навоий қайдларини ўзаро алоқадор, бири-биридан қолишмайдиган асарлар ҳақидаги мулоҳазалар ифодаси деб қабул қилиш лозим.

Хуллас, салафлар ёдига бағишланган боблар Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари, Низомий, Хусрав ва Жомий ижодига муносабати, “Махзан ул-асрор”, “Матла ул-анвор” ва “Тухфат ул-аҳрор” дostonлари ҳақидаги баҳоси, хамсанавислик анъанаси борасидаги муносабатини белгилаб бериши билан муҳим илмий қимматга эга. Қолаверса, айнан шу бобларда Навоийнинг ўз “Хамса”си, унинг дастлабки дostonи бўлган “Ҳайрат ул-аброр”нинг яратилиш тарихи билан боғлиқ автоинтерпретацион қайдлар учрайди. Булар Навоий “Хамса”сини тушуниш ва талқин қилишда мезон вазифасини бажариши билан аҳамиятлидир.

**Илёсжон Исмоилов,**  
*филология фанлари доктори, профессор*

<sup>1</sup> Ҳайрат ул-аброр. – Б. 56.

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Алишер ОТАБОЕВ  
Техник муҳаррир: Акмал ФАРМОҲОВ  
Мусахҳиҳ: Лочинбек ҲАСАНОВ  
Муқова дизайнери: Фиёсиддин ЎНАРОВ

ИНДЕКС 828, 829

2007 йили №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 189-рақам билан рўйхатдан ўтган.

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

**“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилигини олиш шарт.**

## Таҳририят манзили:

100066, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий номидаги  
Миллий боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.  
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга 2025.25.11.да рухсат этилди. Бичими 70x108  $\frac{1}{16}$ . Офсет қоғоз.

Шартли босма табоғи 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Адади 4250 нусха. 58 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютер марказида терилиб,

“DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

## Босмахона манзили:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани  
Шифокорлар шаҳарчаси, 15 уй  
© Жаҳон адабиёти, 2025 й.